

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«\_\_\_\_\_» МЧЖ раҳбари

\_\_\_\_\_ **ОВ**

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й

\_\_\_\_\_ **ВИЛОЯТИ,** \_\_\_\_\_ **ШАҲАР,** \_\_\_\_\_  
**КЎЧАСИ, \_\_-УЙДА ЖОЙЛАШГАН БИНОДА ГЕРМЕТИК**  
**КУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИКАРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ МАҚСАДИДА ТУЗИЛГАН**

# **БИЗНЕС РЕЖА**

<b>Лойиха киймати</b>	<b>440 000 АҚШ доллари</b>
<b>Ўз маблағи</b>	<b>40 000 АҚШ доллари</b>
<b>Чел эл валютаси кредит маблағлари ҳисобидан</b>	<b>400 000 АҚШ доллари</b>

\_\_\_\_\_ – 20\_\_ йил

➤ Тижорат сирини ошкор этмаслик келишуви.....	3
➤ Кириш.....	4
➤ Лойиханинг кискача шархи.....	5
➤ Сим ва арматура маҳсулотлари ишлаб чиқариш .....	6
➤ Бизнес лойиханинг тавсифи .....	7
➤ Лойиханинг умумий шархи .....	8
➤ Лоиханинг стратегик мазмуни ва мақсади .....	9
➤ Лойиха асосига куйилган асосий параметрлар .....	14
➤ Лойиха ташаббускори хақида кискача маълумот.....	16
➤ Лойиханинг амалга ошириш графиги .....	18
➤ Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни тавсифи.....	19
➤ Ишлаб чиқариш қувватлари.....	21
➤ Ишчи кучи ресурлари ва уларга булган талаб .....	22
➤ Ишчиларга куйиладиган талаб ва кадрлар дастури.....	24
➤ Энергия ресурлари сарфи .....	25
➤ Фаолиятнинг маркетинг таҳлили.....	27
➤ Бозор шароитининг таҳлили .....	29
➤ Талаб ва таклиф, нарх шаклланиш омиллари таҳлили.....	30
➤ SWOT (АЗИТ) таҳлили.....	31
➤ Маркетинг стратегияси ва дастури.....	33
➤ Лойиханинг молиявий асослари .....	34
➤ Умуминвестицион харажатлар ва молиялаш манбаалари .....	35
➤ Маҳсулот ишлаб чиқариш режаси.....	36
➤ Ишлаб чиқариш сарф – харажатлари.....	37
➤ Ишчи кучи сарф харажатлари .....	39
➤ Энергия ресурслари сарф харажатлари .....	42
➤ Амортизация ажратмалари.....	45
➤ Ялпи харажатлар ҳисоби.....	46
➤ Кредитни қайтариш режаси .....	47
➤ Даромадлар, харажатлар ва фойда ҳисоби.....	48
➤ Пул окими ва дисконтланган пул окими .....	49
➤ Хулоса .....	50
➤ Фойдаланилган адабиётлар.....	51

## ТИЖОРАТ СИРИНИ ОШКОР ЭТМАСЛИК КЕЛИШУВИ

Ушбу бизнес режа «\_\_\_\_\_» **МЧЖ** раҳбари \_\_\_\_\_ **ов** буюртмаси асосида тайёрланган бўлиб, йулга куйилиши режалаштирилаётган лойиханинг молиявий–иктисодий, ташкилий ва маркетинг таҳлилларини уз ичига олади.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотлар «\_\_\_\_\_» **МЧЖ** раҳбари \_\_\_\_\_ **ов** ва унинг келгусидаги иш фаолиятини акс эттириб махфий характерга эга. Ушбу хужжат «\_\_\_\_\_» **МЧЖ** раҳбарининг мулки хисобланади ва уни тасарруф этиш ундаги маълумотларни бошка шахсларга ошкор этиш муассаса раҳбари ихтиёридадир.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотларни корхона раҳбарининг ёзма розилигисиз тасарруф этиш, бошка шахсларга сотиш ёки такдим этиш, нусха кучириш ёки ошкор этиш катъиян маън этилади.

Қуйида имзо чекувчилар юкоридаги талабларга розилик билдириб, ушбу хужжат ва унинг таркибини сир саклаш, таркатмаслик ва маълумот эгаси – «\_\_\_\_\_» **МЧЖ** раҳбари \_\_\_\_\_ **ов**нинг илк талаби билан уни эгасига қайтаришни ўз зиммасига олади.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

м. у.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

м. у.

## ЛОЙИХАНИНГ КИСКАЧА ШАРХИ

---

**ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ:** «\_\_\_\_\_» МЧЖ

**ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААСИ:** Молиявий тизимида ташаббускор ўз маблағлари ва чет эл валюта кредит маблағлари ҳисобидан

**ЛОЙИХА ИЖРОЧИСИНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ:** масъуляти чекланган жамияти шаклидаги

**МУАССАСАНИНГ РЎЙХАТДАН ЎТГАН САНАСИ ВА ГУВОХНОМА РАҚАМИ:** 03.02.2014 йил, Реестрдаги тартиб рақами № 06987, Гувохнома №06987 Асос: \_\_\_\_\_ *шахар хокимининг қарорига асосан*

**МУАССАСАНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:** \_\_\_\_\_ вилояти,  
\_\_\_\_\_ шаҳар, \_\_\_\_\_ кучаси, 23 уй

**БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:** АТБ “\_\_\_\_\_ банк” \_\_\_\_\_ филиали  
х.р \_\_\_\_\_  
МФО \_\_\_\_\_, СТИР (ИНН): \_\_\_\_\_, Тармоқ коди  
(ОКОНХ): \_\_\_\_\_

### ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КУРСАТКИЧЛАРИ:

- ✓ Лойиха суммаси: **440 000 АҚШ доллари**
- ✓ Чет эл валюта кредити суммаси : **400 000 АҚШ доллари**
- ✓ Ўртача йиллик ялпи тушум: **748 645 АҚШ доллари**
- ✓ Ўртача йиллик даромад: **202 481 АҚШ доллари**
- ✓ Йиллик уртача соф фойда миқдори – **34 254 АҚШ доллар (\$)**
- ✓ Лойиханинг соф фойда ҳисобидан реал оқланиш муддати= **36 ой**
- ✓ Лойиханинг уртача рентабеллик даражаси = **37,1 %**
- ✓ Лойиханинг уртача соф рентабеллик даражаси = **6,3 %**
- ✓ Яратиладиган ишчи ўринлари сони: **50 та**

## БИЗНЕС ЛОЙИХАНИНГ ТАВСИФИ

---

Бугунги ҳаёт талаби ва одамларимиз истаклари ўзгармоқда. Халқимиз ҳақли равишда яхши яшашга интилмоқда. Бу оддий гап эмас. Дунёдаги воқеа-ҳодисаларни, анъаналарни таҳлил этиб, энг мақбулини турмуш тарзига қабул қилаётган юртдошларимиз билан ҳамқадам ва ҳамнафас ишлашга ҳаракат қиляпмиз. Президентимизнинг ҳамма нарса инсон учун, унинг бугуни ва келажаги учун, деган эзгу ғояси халқимизнинг яшаш тарзи ва дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборди. Барча фуқароларимиз келажакка, эртаси бугундан яхши бўлишига астойдил интилмоқда ва ишонмоқда. Буни биргина шаҳар ва қишлоқларда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари кўлами кун сайин кенгайиб, оммалашиб бораётганидан ҳам англаш мумкин.

Ижтимоий соҳа объектлари, нотураар ва аҳоли тураар жойлари учун сифатли, арзон, замонавий қурилиш материаллари зарур бўлмоқда. Қурилиш ишлари қийматининг 55-60 фоизини қурилиш материаллари ташкил этишини, замонавий архитектура янги, сифатли, арзон, енгил ва зилзилабардош, инновацион қурилиш материалларини талаб этишини инобатга оладиган бўлсак, тармоқ тараққиёти аҳамиятини ҳис қилиш қийин эмас. 2017 йилга қадар тармоқда 7 минг 995 корхона мавжуд бўлган. Айни кунда юртимизда 10 минг 552 қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона фаолият юритмоқда. Ўтган йили 120 турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда улар сони 180 дан ошиб кетди.

Албатта, ушбу корхоналар маҳсулотларига ташқи бозорда талаб ортиб бораётгани – бу ҳақиқий баҳодир. Жамият тизимида экспорт ҳажми 2016 йилда 12,9 миллион доллар, 2017 йилда 23,7 миллион долларни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг саккиз ойида 27 миллион 600 минг долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди. Режа бўйича кўрсаткич 112,6 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда жамият таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган керамик плиткалар, сантехкерамика маҳсулотлари, қуруқ қурилиш аралашмалари, пишган ғишт, табиий тошдан ясалган қоқловчи буюмлар, оҳак, полипропилен қувурлар, фитинглар сингари қурилиш материалларига Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон бозорларида талаб ортиб бормоқда.

Эндиликда улар қаторига Тожикистон ва Афғонистон ҳам қўшилди. Негаки, бу давлатларга 2017 йилдан сантехкерамика буюмлари, асбест буюмлар, керамик плиткалар, қурилиш ойнаси ва цемент каби маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Қайд этиш жоизки, жамиятда қурилиш материалларининг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича зарурий чоралар

кўрилмоқда. Бу жараёнда экспорт қилинадиган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва уларнинг экспорт географиясини кенгайтириш бўйича аниқ режалар белгилаб олинган.

Шу мақсадда, Покистон Республикасининг “Бахрия тавн” йирик компаниясига ишлаб чиқарилаётган 10 дан ортиқ қурилиш материалларининг намуналари, Беларусь Республикасига мамлакатимизда мавжуд табиий пардозбоп тошлар, Ҳиндистонга янги ва замонавий турдаги қурилиш материали ишлаб чиқариш имкониятини берадиган табиий базальт тоши намуналари юборилди.

Бугунги кунда инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш бўйича аниқ муддат ва масъулларни белгилаган ҳолда “Йўл хариталари” ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, ҳар бир лойиҳа бўйича тармоқ жадваллари тасдиқланди. Инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш мақсадида объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари, техник-иқтисодий асослари ҳисоб-китоблари ва смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 8 ойида инвестиция лойиҳалари бўйича 18,7 миллион доллар ўзлаштирилиши режалаштирилган бўлса, бу кўрсаткич амалда 37,1 миллион долларни ташкил этди.

Йил якунига қадар умумий қиймати 128,7 миллион доллар бўлган 6 лойиҳа ишга туширилиши таъминланади, натижада Жиззах вилоятида йилига 2,5 минг тонна базальт арматураси, Тошкент вилоятининг “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида йилига 3,5 миллион квадрат метр керамик плитка ва 180 минг тонна металл арматура, Сурхондарё вилоятида жами 160 минг квадрат метр табиий тошни қайта ишлаш орқали габбро ва гранит плиталар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Мамлакатимизда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2018-2019 йилларда 26,2 триллион сўмлик 712 та, шу жумладан, 2018 йилда 927,4 миллион долларлик 549 қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилади. 2018 йил 1 сентябрь ҳолатига 549 та лойиҳа бўйича 4 триллион 232 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

Айни кунда, маҳаллий хомашёдан энергия тежамкор ва қурилишда ишлатишга анча қулай деворбоп газобетон блоклари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

---

## ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ

---

Лойихани амалга ошириш уч боскичдан иборат: **1–боскич:** Тайёргарлик ишларини ташкил этилиши, Вакт оралдиги: 1–2 ойлар.

**Қилинадиган ишлар:** Лойихани амалга ошириш учун зарурий маблағ ва капитал ресурс манбаларини аниклаш, лойиханинг иктисодий ҳисоб китоблари, техник иктисодий асоси ва бизнес режасини ишлаб чиқиш. **Лойиха сметасини аниклаш.** Хом ашё ва товар моддий ресурслар сотиб олиш учун маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлар билан шартномалар ва келишув баёнлари тузиш, ундан ташқари маҳаллий корхоналар ва бошка ташкилотлар билан фаолият йўлга қўйилгандан кейин зарур булган маҳсулотлар ва буюмлар етказиб бериш буйича келишувлар олиб бориш. Банк молия муассасаларига ушбу лойихани амалга ошириш учун зарурий маблағ суммаси ва лойиха самарадорлигини асословчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда мурожаат этиш.

**2–боскич:** Таъмирлаш ишлари ва инвестицияни узлаштириш: Вакт оралиги: 3-4- ойлар.

**Қилинадиган ишлар:** Лойихада ажратилган маблағларни ўзлаштириб кўзда тутилган барча ишларни амалга ошириш, қурилиш монтаж ишларини якунлаш, асосий воситалар, ускуналар, моддий ресурслар ва шартнома асосида ишлайдиган ишчиларни топиш.

3-боскич: Нормал иш фаолиятининг йўлга қўйилиши.

**Қилинадиган ишлар:** Герметик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулот сотишда тушган тушумлар, даромад ва харажатларни ҳисобини юритиш ва самарали иш фаолиятини ташкил этиб, олдиндан кўзда тутилган техник иктисодий асос бўйича хўжалик фаолиятини самарали юритиш ва ривожлантириш.

Ушбу лойихани ишлаб чиқиш 2019 йилнинг иккинчи чорагида бошланганлигини ҳисобга олиб, чорак якунига қадар барча таъмирлаш ва жихозлаш ишларини якунлаш.

Корхона фаолиятида энг катта эътибор маҳсулот тайёрлашда юқори сифатга эришиш.

## ЛОЙИХАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАКСАДИ

Лойиханинг асосий мазмуни аҳолини сифатли герметик маҳсулотлар билан таъминлаш ва маҳсулотлар бозорида ўз мавқеига ва рақобат афзалликларига эга бўлиш, ўзини молиявий салоҳияти ва фойдасини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Лойиха \_\_\_\_\_ шаҳар худудида фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш фаолиятини иқтисодий самарадорлигини изоҳлаб бериш ҳамда ушбу фаолиятни амалга ошириш учун маблағларни жалб этиш учун ишлаб чиқилди. Ушбу бизнесни бошлаш учун асослар.

**Биринчидан**, ушбу турдаги фаолиятни ташкил этишда худудда қурилиш ташкилотларини герметик маҳсулотлар айниқса қурилишда ишлатиладиган металл, ёғоч, пластик маҳсулотларни бириктиришда ишлатиладиган маҳсулотларга бўлган талаби юқори бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотга талаб юқори ҳисобланади. Иккинчидан, ушбу маҳсулотлар бугунги кунда чет давлатлардан импорт ҳисобига олиб келинади. Шу билан бирга қўшни давлатларда ҳам юқори талаб ва эҳтиёж мавжуд эканлиги сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспортга йуналтириш имконияти юқори.

Лойиха асосан мамлакатимизда қурилиш корхоналарнинг талабини қондириш орқали фойда олиш, корхона маҳсулот сифатини жаҳон меъёрлари ва стандартлари даражасига етказиш, уни давр талаби ва истеъмолчилар эҳтиёжи даражасида айланма маблағлар фондиди ташкил этишни кўзлайди.

Стратегик жиҳатдан муассаса ўз олдига юқорида айтиб утилган барча мақсадларга эришишни, ва лойиха даврида тулақонли тухтовсиз ишловчи комплексни яратиш, ишчилар учун энг қулай ва ижтимоий жиҳатдан энг маъқул муҳитни яратишни ва худуд аҳолиси учун юқори маҳсулотлар тайёрлашни базасини яратишни мақсад қилиб қўяди. Корхона ушбу мақсадларга эришиш орқали мамлакатимизда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшиш ва шу муддат ичида вилоятимизда етакчи уринлардан бирини эгаллашни, истикболда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб соҳанинг етакчиларидан бирига айланишни ва соҳага қўшимча инвестициялар олиб киришни режа қилган.

Келгусида корхона ўз олдига қўйган барча мақсадларга эришиб, келгуси беш йилликда йирик саноат корхонаси сифатида маҳсулотлар бозорида кўзга кўринган корхоналардан бирига айланиб, бозорнинг 20-25 % ортиқроқ улушини эгаллашни. Ун йилдан сўнг эса бу кўрсаткични қўшимча инвестициялар жалб қилиш; етук ва малакали кадрлар тайёрлаб, улар тажрибасига ва инновацион технологияларни қўллаш, истеъмолчилар ва бозор талабларини мунтазам ўрганиб бориб 40 % гача етказишни ўз олдигаги истикболли режалардан бири қилиб белгилайди.



## ЛОЙИХА АСОСИГА КУЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР

Корхона ўз маблағлари ва чет эл валютаси кредит маблағлари ҳисобига киритилиши режалаштирилган технология ва ускуналар ва айланма маблағлар қиймати – **440 000 АҚШ доллар**. Лойиха давомийлиги – 3 йил.

Махсулот сотишдан тушган йиллик тушум (урта ҳисобда) – **6 288 600 минг сўм**. Солиқ туловлари амалга оширилгунга қадар булган фойда (урта ҳисобда) – **1 466 800 минг сўм**

Ўрта ҳисобдаги йиллик соф фойда – **287 734 минг сўм**

Лойиханинг тула копланиш муддати – **36 ой**

<b>Лойиха самарадорлигини интеграл Кўрсаткичлари</b>	
Курсаткич	Мазмуни
Лойиханинг ялпи даромаддан узини оқлаш муддати	24 ой
Лойиханинг солиқлар тулангунга қадар олинган фойдадан оқланиш муддати	44 ой
Инвестиция маблағларини қайтиш давомийлик муддати	60 ой
Уртача рентабеллик даражаси (соф фойданинг харажатларга нисбати)	47,5 %
Лойиха даври (бир циклик давр назарда тутилмоқда)	1 йил=12 ой
Тула оқланиш даври	5 йил

Лойиханинг умумлашган «Монте–Карло» усулидаги тахлили шуни курсатадики, хатто фаолият ривожининг пессемистик сценарийси барқарор кўрсаткичларга эга ва ижобий прогнозларга эга. Яъни лойиханинг ўз ўзини оқлаш муддатининг лойиха давомийлиги билан тенглиги, соф фойда даражасининг пессемистик прогнозларда (паст нархлардаги савдони назарда тутиб) юкорилиги, яъни ялпи харажатга нисбатан 50 % ортиқроқ эканлиги, нормал рентабеллик лойихани барқарор ва даромадли эканлиги асослайди. Бундан ташқари лойиханинг доимий хизмат кўрсатиш характерга эга эканлиги ҳисобга олсак, бу ишловчиларни доимий иш билан таъминлаш имкониятлари мавжудлиги ва лойихадаги инвестиция маблағидан бир эмас бир неча мартаба самарали фойдаланиш имконияти мавжудлиги, инвестициянинг тула қайтарилишининг рисклардан холи равишда қафолатланганлиги ва фаолиятни бир марталик махсулот сотилишида ўзини оқлаб, фойда келтирилишини лойиханинг муваффақиятли бизнес фаолият эканлигини асослайди. Бу эса уз навбатида унинг самарали ва фойдали бизнес фаолият сифатида жозибадорлигини оширади.

## ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ ТАЪСИСЧИЛАРИ



\_\_\_\_\_ вилояти, \_\_\_\_\_ шаҳрида истикомат килувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси \_\_\_\_\_ (Паспорт серияси: \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилда \_\_\_\_\_ шаҳар ИИБ томонидан берилган) – 100 %

Корхона устав фонди 500 000 минг сўмдан иборат бўлиб, устав капитали корхона раҳбари \_\_\_\_\_ ов тегишли.

Корхона раҳбари: \_\_\_\_\_ Асосий инвесторлар:

1. Корхона ўз маблағлари
2. Чет эл валюта кредит маблағлари

Бугунг кунда қурилиш материаллари айниқса қурилишда ишлатиладиган ёрдамчи материалларга ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлиб, ушбу талаб ва эҳтиёжларни инобатга олиб, чет эл валютаси ҳисобида **440 000,0 АҚШ доллар** миқдоридан инвестицияни ўзлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қуяди.

### МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ТАВСИФИ

Ушбу фаолият узлуксиз давом этувчи фаолият бўлиб, молиявий ҳисоб-китоблар алоҳида тарзда олиб борилади. Корхона томонидан ишлаб чиқариш фаолияти давомида моддий ресурслар ва товар хом ашё материаллардан фойдаланилади.

#### Жадвал № 1. Бажариладиган ишларни тармоқ жадвали

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	2019 йил		
		Май	Июнь	Июль
1	Бизнес режа ишлаб чиқиш			
2	Бизнес лойиҳаларни маҳаллий ҳокимликларга тақдим этиш			
3	Тайёрланган ҳужжатларни маблағ ажратиш учун хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этиш			
4	Бинода таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини олиб бориш			
5	Инвестиция маблағларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш усқуналарини ўрнатиш			
6	Хом ашё ва материаллар сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни амалга ошириш			
7	Лойиҳани синовдан ўтказиш			

## **КОРХОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ**

Юқорида айтиб ўтилганидек ишлаб чиқариш технологияси тизимли равишдада олиб борилади. Хозирда хўжалик ихтиёрида бўлган технологияда стандарт талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши 1 % дан ошмаслигини кафолатлайди. Маҳсулотларни қадоқлаш ва транспортировка килиш жараёнида баъзи ходисаларда йукотишлар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотни 2 % яроксиз деб топилиши мумкин.

Ундан ташқари маҳсулотлардаги ўзгариш ва қуриш жараёни ҳисобидан ҳам йукотишлар булишини инобатга олиб, + 1% кушилади ва жами яроксизлик даражаси 3 % ҳисобида олинади.

Кайта ишлаш ва тайёрлаш жараёни узлуксиз давом этувчи булиб, савдо фаолиятдан алоҳида тарзда олиб борилади.

### **ХОМ – АШЁ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ**

Мазкур фаолият тури учун хом – ашё ресурси сифатида асосан гранула маҳсулотлари ва ишчи кучини айтиш мумкин. Мазкур режада хом – ашё ресурслари куйидаги нархларда импорт ҳисобига чет давлатлардаги ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиниши режалаштирилган:

### **ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ**

Ушбу лойиха бўйича ишчи кучи ва ходимларга булган талаби 50 тани ташкил қилади. Шундан маъмурият ходимларининг сони 11 кишини ташкил қилиб, қолган 39 киши асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда иштирок этади. Маъмурий ходимлар таркиби корхона раҳбари, бош бухгалтер, муҳандис, таъминотчилар, маркетинг, иш юритувчи ҳисобланади.

Ишчиларнинг иш вақти 8 соатлик иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 8:00 дан кеч соат 18:00 гача

### **ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБ**

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек ташкил этилиши мулжалланаётган корхонада барча энерготаъминот тизимларига уланиш имконияти мавжуд. Таъмирлаш смета лойихасида уларга тўлиқ уланиш кўзда тутилган.

Ўрта ҳисобда ичимлик сув сарфи асосан ишчи ходимларни ичимлик таъминоти учун сарфланади. Бошқа мақсадларда ишлатиш учун эса сув оқова муассасалари томонидан етказиб бериладиган сувдан фойдаланиш кўзда тутилган.

Электроэнергия сарфи асосан ишлаб чиқариш ускуналарини ҳаракатлантириш ва биноларни ёритиш учун сарфланади. Шу сабабдан корхонанинг кунлик электроэнергия ресурсларига булган талаби **1000 кВт** ва йиллик сарф миқдори **312 000 кВт.ни** ташкил этади.

Электроэнергия ва бошқа ресурслар таъминотининг зарурий миқдори йилдан – йилга ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши ёки ускуналарни

жисмонан ва маънавий эскириши хисобидан ошиб бориши тахмин килиниб, ошиб бориш курсаткичи 0,5 га тенг (яъни 5 %) деб олинди.

### ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАХЛИЛИ

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган барча ислохотлар туб негизи аҳолини ижтимоий – иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни турмуш тарзини яхшилашга қаратилган. Ҳозирги вақтда ҳар бир соҳа ривожланиши ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бозор иқтисодини асосий талабидир. Корхона ўз имкониятларидан ва бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятни ривожлантиришни режалаштирган. Бунинг учун айрим изланишлар ва талабларни ўрганиш орқали амалга оширилиши кўзланган.

Шунинг учун бозор шароитини ўрганишда маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўлган талабни мавжудлигини аниқлашда бир қатор изланишлар олиб боради.




Маблағини ўзлаштириш орқали корхона ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш билан қуйидаги талабларни қондириш режалаштирилмоқда:

-Кўпчиликка манзур бўладиган сифатли қурилишда ишлатиладиган герметик маҳсулотлар ишлаб чиқариш;


-Реклама асосида аҳоли, ташкилот ва муассасаларга таклиф қилиш ва қурилиш буюртмачи талабини тўлақонли қондириш;

-Мижозларни талабини қондиришда имтиёзлар ва уларни рағбатлантиришни режалаштириш.

### Корхона томонидан олиб бориладиган фаолиятни зарарли таъсири тушунчаси



### БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ



- 1) \_\_\_\_\_ вилоятидаги ҳаридор ва буюртмачилар
- 2) Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардаги ҳаридор ва буюртмачилар
- 3) Келгусида чет давлатлардаги ҳаридор ва буюртмачилар

### Худуддаги рақобатчилар таҳлили

Рақобатчилар маҳсулоти	сифат	Хусусияти	Самарадорлиги	Қулайлиги	Савдо шартлари	.....
А..... маҳсулоти						
В..... маҳсулоти						

## МАРКЕТИНГ МАТРИЦАСИ

№	Мазмуни	Сегмент 1	Сегмент 2	Сегмент 3
1	Мижозлар тавсифи	вилояти	Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар	Келгусида чет давлатлардаги харидорлар
2	Истеъмол хажми	80 %	10 %	10 %
3	Истеъмолчиларнинг географик жойлашуви	вилояти	Тошкент шаҳри	Қирғизистон, Тожикистон
4	Маҳсулотга талабнинг камайиши, купайиши ёки баркарорлиги	Баркарор	Кўпаяди	Кўпаяди
5	Маҳсулотни харид қилиш қобилияти	Юқори	Ўрта	Ўрта
6	Маҳсулотни истеъмолчиларга жалб этиш	Қулай нарх ва сифат	Қулай нарх ва сифат	Қулай нарх ва сифат

## SWOT ТАҲЛИЛ

<p style="text-align: center;"><b>S</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Кучли томони</b></p> <p>Бизнес учун жуда қулай ҳудудда жойлашган+</p> <p>Маҳсулотга бўлган талабнинг мавжудлиги ++</p> <p>Зарурий технологияларни мавжудлиги+</p>	<p style="text-align: center;"><b>W</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Кучсиз томони</b></p> <p>-Кучли брендга эга эмаслиги++</p>	Кучли томонлар 3 та
		Кучси томонлар 1 та
		<b>S&gt;W</b>
		++S 3 та
		++W 1 та
		<b>++S&gt;++W</b>
<p style="text-align: center;"><b>O</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Имкониятлар</b></p> <p>Тадбиркорлик фаолиятига берилаётган имконият ва имтиёзлар ++</p> <p>Маҳсулот турини кенгайтириш+</p> <p>Хом ашё ресурсларини бозор нархидан арзон олиш имконияти мавжудлиги</p>	<p style="text-align: center;"><b>T</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Хавфлар</b></p> <p>Кучли рақобатчиларнинг пайдо булиши+</p> <p>Тўлов қобилиятини номуайянлиги++</p>	Имкониятлар 3 та
		Тусиклар 2 та
		<b>Q&gt;T</b>
		++O 3 та
		++T 2 та
		<b>++O&gt;++T</b>

## МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ

Ушбу бўлимда корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бўйича харидор ва буюртмачиларни жалб қилишни ташкил этиш масалалари кўриб чиқилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотилишида маркетингни мувафқиятли ташкил этиш учун корхона фойдасига салбий таъсир кўрсатмасдан имкон қадар дисконт нархлар ва чегирмалар таклиф этиш (агар тўлов микдори юқори булмаса) режалаштирилган. Ундан ташқари \_\_\_\_\_ шаҳар ва яқин туманларда турли реклама акциялар ўтказиш ва харидорлар диққатини жалб этиш ҳам кўзда тутилган. Бунинг асосий сабаби бу ишлар корхона фойдаси ҳисобидан амалга оширилади. Хамкорлик асосида корхонанинг фойдаланилмаётган қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ётади.

Рекламар уюштириш дастурида **10 000 дона** таркатма материаллар ишлаб чиқиш ва таркатиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, ушбу тадбирларни амалга ошириш учун 10 000 000 сўм маблағ реклама учун сарфланиши кўзда тутилган.

### Лойиханинг молиявий асослари

Лойиханинг номланиши	Қурилишда ишлатиладиган герметик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш
Лойиха мақсади	Ишлаб чиқариш ускуналари ва технологиялари сотиб олиш, таъмирлаш ишларини олиб бориш ва айланма маблағларни шакиллантириш
Лойиха қувватлари (100%)	
Лойиха суммаси (сум)	440 000 АҚШ доллари
Ўз маблағлари ҳисобидан	40 000 АҚШ доллари
Чет эл валютаси кредит маблағлари ҳисобидан	400 000 АҚШ доллари
Лойихада режалаштириладиган уртача йиллик соф фойда	863 202 минг сўм
Лойиха муддати	3 йил
Лойихани режалаштириш санаси	2019 йилнинг II-чораги
Лойиха ташаббускори	Корхона ўз маблағлари ва чет эл валюта кредит маблағлари
Лойиха ташаббускорининг манзили:	_____ шаҳар, _____ кўчаси 23-уй
Лойиха ташаббускорининг телефон рақами	98-278-88-88

## УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ МАНБААЛАРИ

№	Технологиялар номи	Сони	Жами	АҚШ доллари	
				Шу жумладан	
				Ўз маблағ	Чет эл валюта кредит маблағлари
<b>I</b>	<b>Ишлаб чиқариш ускуна ва технологиялари</b>				
1	Термопластик ускуна	1	50 000	0,0	50 000
2	Пластик 3-д лазер дастгоҳи	1	30 000	0,0	30 000
3	Маркировка ёзиш ускунаси	1	5 000	0,0	5 000
4	Махвел супер клей ускунаси	1	15 000	0,0	15 000
5	Герметик комплект ускунаси Модел NHZ/QF 2000	ком.	190 000	0,0	190 000
6	Шлакоблок ишлаб чиқариш дастгоҳи	2	10 000	0,0	10 000
7	Сендивич панел ишлаб чиқариш линияси	ком.	100 000	0,0	100 000
	<b>Жами</b>		<b>400 000</b>		<b>400 000</b>
	<b>Қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш</b>				
	Ишлаб чиқариш бинолари ва навестларини қуриш		40 000	40 000	0,0
	<b>ЖАМИ</b>		<b>440 000</b>	<b>40 000</b>	<b>400 000</b>

Ишлаб чиқариш корхонаси учун жами **10 000 м.кв** ер майдони талаб этилиб, шундан 5000,0 м.кв майдон ишлаб чиқариш бино ва иншоатларини ташкил этади. Ушбу объект бир неча зоналарга ажратилади.

- ❖ Хом ашё ва металлларни тайёрлаш;
- ❖ Маҳсулот ишлаб чиқариш цехи;
- ❖ Юклар жўнатиш жойи;
- ❖ Склад

### Ишлаб чиқариш цехини намунавий шакли





## ЦЕМЕНТ ҒИШТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСКУНАСИ



Ушбу ускунада цемент хомашёсидан тайёрланадиган рангли ва хар хил кўринишдаги юқори сифатли ғишт маҳсулотлари ишлаб чиқаришилади.



ТЕХНИК КўРСАТКИЧЛАРИ:		ASIA STAR
Ишлаб чиқарилган жой:	Хитой Халқ Республикаси	
Кучланиши:	380В	
Қувват сарфи:	9,6кВт/соат	
Ишлаб чиқариш хажми:	1000-2000дона/24соат	
Маҳсулот ўлчамлари:	115x240x50 190x390x190	
Ускуна оғирлиги:	1500кг	
Ускуна ўлчамлари:	1300x1600x1980мм	

## Кредит маблағлари таъминоти

Жадвал № 6

АҚШ доллари

Гаров характериситакси	%	Жами киймати	Гаров сифатида қўйилаёт-ган киймат
Бино ва иншоатлар		500 000	500 000
<b>Жами</b>		<b>500 000</b>	<b>500 000</b>

## С. Мулкларни рўйхатдан ўтказиш ва суғурталаш

Харажатлар номи	Тўлов миқдори	Жами тўлов миқдори
<b>Д. Инвестицион фаолият олди молиявий харажатлари</b>		
<b>Молиявий харажат тури</b>	<b>%</b>	<b>\$</b>
Руйхатга олиш тулови (нотариус)	0,15%	600
Сугурта мукофоти	0,3 %	1200
Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	8 минимал	200
Кузда тугилмаган бошка харажатлар	0,1%	400
<b>ЖАМИ</b>	<b>x</b>	<b>2400</b>

## Умуминвестицион харажатлар ва молиялаштириш манбаалари

Жадвал № 8

№	Курсаткичларнинг номланиши	АҚШ доллари	Хиссаси (%)
1	Бино ва иншоаталар қиймати	37 600	24,2
2	Ишлаб чиқариш технология ва ускуналари	400 000	67,7
3	Руйхатга олиш тулови (нотариус)	600	0,1
4	Сугурта мукофоти	1200	0,2
5	Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	200	0,0
6	Кузда тугилмаган бошка харажатлар	400	0,1
<b>Жами лойиханинг бошлангич киймати</b>		<b>440 000</b>	<b>100 %</b>

**В. Молиялаштириш манбаалари**

№	Курсаткичлар номи	Ўз маблаглари	Чет эл валюта кредитини	Жами киймати
1	Бино ва иншооталар қиймати	37 600	0,0	37 600
2	Ишлаб чиқариш технолгиялари ва ускуналари сотиб олиш	0,0	400 000	400 000
3	Руйхатга олиш тулови (нотариус)	600	0,0	600
4	Сугурта мукофоти	1200	0,0	1200
5	Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	200	0,0	200
6	Кузда тугилмаган бошка харажатлар	400	0,0	400
<b>ИТОГО</b>		<b>40 000</b>	<b>400 000</b>	<b>440 000</b>
<b>Улуши %</b>		<b>11,7 %</b>	<b>88,2 %</b>	<b>100 %</b>

**С. Жами молиялаштириш ва манбаалар**

№	Номланиши	Миллий валюта (тыс. сум)	Твердая валюта (USD)	Структура %
1	Ўз маблаглари иштироки	0,0	40 000	11,7 %
2	Чет эл валюта кредити	0,0	400 000	88,2 %
<b>ВСЕГО ФИНАНСИРОВАНИЕ</b>		<b>0,0</b>	<b>440 000</b>	<b>100%</b>

### МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАЖМИ

доња

№	Ишлаб чиқарилган маҳсулот номи	Бир кунда	1 ойда	1- йил	2- йил	3- йил	Жами
1	Тунка учун герметик маҳсулоти	200	5 200	62 400	68 640	71 760	202 800
2	Ойна учун герметик маҳсулоти	200	5 200	62 400	68 640	71 760	202 800
3	Автомобиль ойнаси учун герметик маҳсулоти	200	5 200	62 400	68 640	71 760	202 800
4	Ёғоч материаллари учун герметик маҳсулоти	100	2 600	31 200	34 320	35 880	101 400
5	Кафел учун герметик	100	2 600	31 200	34 320	35 880	101 400
6	Бошқа турдаги герметик маҳсулотлар	100	2 600	31 200	34 320	35 880	101 400
7	Бетон гишт	1000	26 000	312 000	343 200	358 800	1 014 000
	<b>Жами</b>	<b>1 900</b>	<b>49 400</b>	<b>592 800</b>	<b>652 080</b>	<b>681 720</b>	<b>1 926 600</b>

### ЖАДВАЛ № 10. ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТ ҚИЙМАТИ

МИНГ СЎМ

№	Ишлаб чиқарилган маҳсулот номи	Ўртача нарҳи (сўм)	1 кунда	1 ойда	1- йил	2- йил	3- йил	Жами
1	Тунка учун герметик маҳсулоти	15 000	3 000	78 000	936 000	1 095 120	1 104 480	3 135 600
2	Ойна учун герметик маҳсулоти	14 500	2 900	75 400	904 800	1 058 616	1 067 664	3 031 080
3	Автомобиль ойнаси учун герметик маҳсулоти	15 500	3 100	80 600	967 200	1 131 624	1 141 296	3 240 120
4	Ёғоч материаллари учун герметик маҳсулоти	13 000	1 300	33 800	405 600	474 552	478 608	1 358 760
5	Кафел учун герметик	14 000	1 400	36 400	436 800	511 056	515 424	1 463 280
6	Бошқа турдаги герметик маҳсулотлар	13 500	1 350	35 100	421 200	492 804	497 016	1 411 020
7	Бетон гишт	5 000	5 000	130 000	1 560 000	1 825 200	1 840 800	5 226 000
	<b>Жами</b>		<b>18 050</b>	<b>469 300</b>	<b>5 631 600</b>	<b>6 588 972</b>	<b>6 645 288</b>	<b>18 865 860</b>

**ХОМ-АШЁ ВА МАТЕРИАЛ САРФ – ХАРАЖАТЛАРИ**  
**Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркиби**

сўм

№	Ишлаб чиқарилган маҳсулот номи	Ўртача нархи (сўм)	Хом ашё ва материаллар	
			миқдори	Сумма
1	Тунка учун герметик маҳсулоти	6 326	0,950	6 200
2	Ойна учун герметик маҳсулоти	6 426	0,950	6 350
3	Автомобиль ойнаси учун герметик маҳсулоти	6 126	0,950	6 400
4	Ёғоч материаллари учун герметик маҳсулоти	6 026	0,950	6 100
5	Кафел учун герметик	6 226	0,950	6 400
6	Бошқа турдаги герметик маҳсулотлар	5 926	0,950	5 900
7	Бетон ғишт ишлаб чиқариш учун	313	12	3 750

### ЙИЛЛАР БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАР ТАРКИБИ

минг сум

№	Хом ашё ва материаллар номи	Шу жумладан йиллар бўйича					Жами харажатлар
		1-кунда	1-ойда	1-йил	2-йил	3-йил	
1	Тунка учун герметик маҳсулоти	1 300	33 800	405 600	446 160	444 912	1 296 672
2	Ойна учун герметик маҳсулоти	1 300	33 800	405 600	446 160	444 912	1 296 672
3	Автомобиль ойнаси учун герметик маҳсулоти	1 300	33 800	405 600	446 160	444 912	1 296 672
4	Ёғоч материаллари учун герметик маҳсулоти	650	16 900	202 800	223 080	222 456	648 336
5	Кафел учун герметик	650	16 900	202 800	223 080	222 456	648 336
6	Бошқа турдаги герметик маҳсулотлар	650	16 900	202 800	223 080	222 456	648 336
7	Бетон гишт ишлаб чиқариш	3 750	97 500	1 170 000	1 304 160	1 381 380	3 855 540
	<b>ЖАМИ</b>	<b>9 600</b>	<b>249 600</b>	<b>2 995 200</b>	<b>3 311 880</b>	<b>3 383 484</b>	<b>9 690 564</b>

**ИШЧИ КУЧИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ**  
**Жадвал № 25. Штатлар жадвали ва йиллик иш хаки фонди**

минг сўм

№	Штат номи	Штат бирлиги	Ойлик иш хаки	Ижтимоий сугурта ажратмалари 15 %	Жами ойлик иш хаки	Жами йиллик иш хаки
<b>Бошқарув персоналии</b>						
1	Директор	1	1 600	240	1 840	22 080
2	Мухандис	1	1 500	225	1 725	20 700
3	Таъминотчи	2	2 900	435	3 335	40 020
4	Бухгалтер	2	2 900	435	3 335	40 020
5	Маркетолог	2	2 900	435	3 335	40 020
6	Иш юритувчи	3	4 350	653	5 003	60 030
	<b>Бошқарув жами</b>	<b>11</b>	<b>16 150</b>	<b>2422,5</b>	<b>18 573</b>	<b>222 870</b>
<b>Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда</b>						
1	Асосий ишлаб чиқаришда	29	34 800	5 220	40 020	480 240
<b>Ёрдамчи ишлаб чиқаришда</b>						
2	Электрик	1	1 350	203	1 553	18 630
3	Сварщик	1	1 350	203	1 553	18 630
4	Дизайнерчи	1	1 350	203	1 553	18 630
5	Шофёр	1	1 350	203	1 553	18 630
6	Ошпаз	2	2 700	405	3 105	37 260
7	Назоратчи	1	1 350	203	1 553	18 630
8	Мастер	3	4 200	630	4 830	57 960
	<b>И-бўлим жами</b>	<b>39</b>	<b>48 450</b>	<b>7 268</b>	<b>55 718</b>	<b>668 610</b>
	<b>ЖАМИ</b>	<b>50</b>	<b>64 600</b>	<b>9 690</b>	<b>74 290</b>	<b>891 480</b>



## Жадвал № 25а. Иш хаки фондининг йилдан йилга ўсиб бориши

МИНГ СУМ

№	Номланиши	1 йил	2 йил	3 йил	Жами
1	Бошқарув персоланидаги ходимлар иш хаки харажатлари	193 800	203 490	213 180	610 470
	<i>Бошқарув ходимлари иш хакидан 15 % ажратма</i>	29 070	30 524	31 977	91 571
2	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар	581 400	610 470	639 540	1 831 410
	<i>Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд булган ходимлар иш хакидан 15 % ажратма</i>	87 210	91 571	95 931	274 712
3	<b>Жами иш хаки харажатлари</b>	<b>775 200</b>	<b>813 960</b>	<b>852 720</b>	<b>2 441 880</b>
	<b>Жами иш хакидан 15 % ажратма</b>	<b>116 280</b>	<b>122 094</b>	<b>127 908</b>	<b>366 282</b>
<b>ЖАМИ ИШ ХАКИ ХАРАЖАТЛАРИ</b>		<b>891 480</b>	<b>936 054</b>	<b>980 628</b>	<b>2 808 162</b>

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ

## Жадвал № 26. Коммунал харажатлар

МИНГ СЎМ

№	Харажат тури	Электр энергия сарфи (кВт)		Нархи (сўм)	Кунлик харажат (сўм)	Шу жумладан йиллар бўйича				Жами
		Бир соатда	Бир кунда			1-ойда	1-йил	2-йил	3-йил	
1	Электр энергияси (кВт)	125	1000	270	270	7 020	84 240	88 452	90 979	263 671
2	Табий газ (м.куб)	2,5	20	320	6	166	1 997	2 037	2 077	6 110
3	Ичимлик суви (м.куб)	1,25	10	1560	16	406	4 867	4 965	5 062	14 894
	<b>Жами</b>				<b>292</b>	<b>7 592</b>	<b>91 104</b>	<b>95 453</b>	<b>98 118</b>	<b>284 675</b>

**АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ**  
**Жадвал № 27. Амортизация ажратмалари ҳисоби**

минг сум

№	Амортизация объекти	Асосий воситалар қиймати	Амортизация став-каси	1 йил	2 йил	3 йил	Жами
<b>Корхона балансидаги мавжуд асосий воситалар</b>							
1	Бино ва иншоотлар	315 840	5%	15 792	15 002	14 252	45 047
2	Ишлаб чиқариш ускуна ва дастгоҳлари	2 520 000	8%	201 600	185 472	170 634	557 706
	<b>Жами</b>	<b>2 835 840</b>		<b>217 392</b>	<b>200 474</b>	<b>184 887</b>	<b>602 753</b>

## ЯЛПИ ХАРАЖАТЛАР ХИСОБИ

Жадвал № 28. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари  
(таннарх калькуляцияси)

МИНГ СУМ

№	Харажат турлари	1 йил	2 йил	3 йил	Жами
1	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган хом ашё ва материал харажатлар	2 995 200	3 311 880	3 383 484	9 690 564
2	Асосий ишлаб чиқаришдаги ишловчилар иш хақи харажатлари	581 400	610 470	639 540	1 831 410
3	Иш хақидан ижтимоий тулов ажратмалари	87 210	91 571	95 931	274 712
4	Коммунал харажатлар (электр, газ ва сув)	91 104	95 453	98 118	284 675
5	Транспорт харажатлари	209 664	231 832	236 844	678 339
6	Амортизация ажратмалари	217 392	200 474	184 887	602 753
7	Бошка харажатлар	125 459	136 250	139 164	400 874
	<b>Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи</b>	<b>4 307 429</b>	<b>4 677 930</b>	<b>4 777 967</b>	<b>13 763 327</b>

## КРЕДИТНИ КАЙТАРИШ РЕЖАСИ

Ойлар	Давр бошига кредит қолдиғи	Қайтарила- диган кредит тани	Фоиш тўлови	Жами тўлов	Давр охирига кредит қолдиғи
1	2 520 000	0	21 000	21 000	2 520 000
2	2 520 000	0	21 000	21 000	2 520 000
3	2 520 000	0	21 000	21 000	2 520 000
4	2 520 000	0	21 000	21 000	2 520 000
5	2 520 000	0	21 000	21 000	2 520 000
6	2 520 000	0	21 000	21 000	2 520 000
7	2 520 000	84 000	21 000	105 000	2 436 000
8	2 436 000	84 000	20 300	104 300	2 352 000
9	2 352 000	84 000	19 600	103 600	2 268 000
10	2 268 000	84 000	18 900	102 900	2 184 000
11	2 184 000	84 000	18 200	102 200	2 100 000
12	2 100 000	84 000	17 500	101 500	2 016 000
	<b>Жами</b>	<b>504 000</b>	<b>241 500</b>	<b>745 500</b>	
13	2 016 000	84 000	16 800	100 800	1 932 000
14	1 932 000	84 000	16 100	100 100	1 848 000
15	1 848 000	84 000	15 400	99 400	1 764 000
16	1 764 000	84 000	14 700	98 700	1 680 000
17	1 680 000	84 000	14 000	98 000	1 596 000
18	1 596 000	84 000	13 300	97 300	1 512 000
19	1 512 000	84 000	12 600	96 600	1 428 000
20	1 428 000	84 000	11 900	95 900	1 344 000
21	1 344 000	84 000	11 200	95 200	1 260 000
22	1 260 000	84 000	10 500	94 500	1 176 000
23	1 176 000	84 000	9 800	93 800	1 092 000
24	1 092 000	84 000	9 100	93 100	1 008 000
	<b>Жами</b>	<b>1 008 000</b>	<b>155 400</b>	<b>1 163 400</b>	
25	1 008 000	84 000	8 400	<b>92 400</b>	924 000
26	924 000	84 000	7 700	<b>91 700</b>	840 000
27	840 000	84 000	7 000	<b>91 000</b>	756 000
28	756 000	84 000	6 300	90 300	672 000
29	672 000	84 000	5 600	89 600	588 000
30	588 000	84 000	4 900	88 900	504 000
31	504 000	84 000	4 200	88 200	420 000
32	420 000	84 000	3 500	87 500	336 000
33	336 000	84 000	2 800	86 800	252 000
34	252 000	84 000	2 100	86 100	168 000
35	168 000	84 000	1 400	85 400	84 000
36	84 000	84 000	700	84 700	0
	<b>Жами</b>	<b>1 008 000</b>	<b>54 600</b>	<b>1 062 600</b>	
	<b>Умумийси</b>	<b>2 520 000</b>	<b>451 500</b>	<b>2 971 500</b>	

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ХИСОБ-КИТОБИ

**Жадвал № 29. Соф фойда ва инвестиция маблагларини кайтариш истикболлари**

МИНГ СЎМ


№	Кўрсаткичлар номи	1 йил	2 йил	3 йил	Жами
1	Маҳсулот ишлаб чиқаришдан жами тушум	5 631 600	6 588 972	6 645 288	18 865 860
2	Маҳсулот ишлаб чиқариш таннари	4 307 429	4 677 930	4 777 967	13 763 327
<b>3</b>	<b>Ялпи даромад</b>	<b>1 324 171</b>	<b>1 911 042</b>	<b>1 867 321</b>	<b>5 102 533</b>
4	Бошқарувда ходимлари иш хаки	193 800	203 490	213 180	610 470
5	Бошқарув ходимлари иш хаки ажратма 15%	29 070	30 524	31 977	91 571
<b>7</b>	<b>Солиқлар тулангунга қадар олинган фойда</b>	<b>1 101 301</b>	<b>1 677 028</b>	<b>1 622 164</b>	<b>4 400 493</b>
8	Солиқ тўловлари 12%	132 156	201 243	194 660	528 059
9	Банк хизмати туловлари (0,2 % тушумдан)	11 263	13 178	13 291	37 732
10	Кредит маблагларини кайтарилиши	745 500	1 163 400	1 062 600	2 971 500
	<b>Соф фойда</b>	<b>212 382</b>	<b>299 207</b>	<b>351 614</b>	<b>863 202</b>
<b>11</b>	<b>Рентабеллик % (7/2)</b>	<b>30,7</b>	<b>40,9</b>	<b>39,1</b>	<b>37,1</b>
13	Соф рентабеллик % (10/2)	4,9	6,4	7,4	6,3

**МАХСУЛОТ СОТИШДАН ЖАМИ ПУЛ МАБЛАГЛАРИ ХАРАКАТИ (ОКИМИ)**

**Жадвал № 30 Пул маблагларини ҳаракат йуналашлари**

МИНГ СУМ

№	Кўрсаткичлар номи	Шу жумладан йиллар бўйича			Жами
		1-йил	2-йил	3-йил	
I	Махсулот сотишдан жами пул тушуми	5 631 600	6 588 972	6 645 288	18 865 860
II	Молиявий харажатлар				
1	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган хом ашё ва материал харажатлар	2 995 200	3 311 880	3 383 484	9 690 564
2	Асосий ишлаб чиқаришдаги ишловчилар иш хаки харажатлари	581 400	610 470	639 540	1 831 410
3	Иш хакидан ижтимоий тулов ажратмалари	87 210	91 571	95 931	274 712
4	Коммунал харажатлар (электр, газ ва сув)	91 104	95 453	98 118	284 675
5	Транспорт харажатлари	209 664	231 832	236 844	678 339
6	Амортизация ажратмалари	217 392	200 474	184 887	602 753
7	Бошка харажатлар	125 459	136 250	139 164	400 874
8	Солик тўловлари 12%	132 156	201 243	194 660	528 059
9	Банк хизмати туловлари (0,2 % тушумдан)	11 263	13 178	13 291	37 732
10	Кредит маблагларини қайтарилиши	745 500	1 163 400	1 062 600	2 971 500





---

**ХУЛОСА**

---

Даромадлилик ва самарадорлик таҳлили шуни кўрсатмоқдаги лойиҳа рентабеллик даражаси ялпи ҳисобда 37,1 % ни ташкил қилмоқда. Шу ўринда ялпи харажатларга нисбатан соф рентабеллик кредит маблағларини ҳисобга олган ҳолда 6,3 % ни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари лойиҳанинг реал қопланиш муддати ялпи фойда ҳисобидан 24 ойни ташкил қилади. Реал қопланиш муддатининг лойиҳа давомийлик давридан камлиги лойиҳанинг молиявий–иқтисодий жозибadorлигидан хабар бериб турибди.

Таъкидлаб ўтилганидек юқори фойда нормалари лойиҳанинг барча турдаги инқирозлар ва рискларга чидамли эканлигини кўрсатмоқда. Ундан ташқари лойиҳанинг дастлабки даврида **50** тадан ортиқ иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, кейинчалик янги иш ўринлари сони **50 тага етказилади**. Кредит маблағларини қайтиши таъминлангандан сунг олиниши мумкин бўлган **863 202,0 млн сўм** фойда корхона мақсадлари ва режаларини тўла амалга оширишга ва даромадни соҳани кенгайтириш ва бошқа фаолият турларини жорий этишга инвестиция қилиш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги ҳисоб-китоблар асосида лойиҳани бугунги кунда истикболли лойиҳалардан бири эканлигини, ишлаб чиқарилиши режалаштирилган герметик маҳсулотлар ва бетон ғишт ички бозорда талаблар мавжудлиги сабабли валюта кердит маблағлари ҳисобидан **400 000 АҚШ** доллари ва корхона ўз маблағлари ҳисобидан бино ва иншоатлар ҳамда айланма маблағлар қуринишида 40 000 АҚШ доллари микдорида инвестиция киритишга қарор қилинди.

Барча келтирилган маълумотлар ва ҳисоб–китобларни ўрганиб чиқиб, янги иш уринларини яратиш, буш турган ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида **440 000 АҚШ доллари** микдорида инвестиция киритишга қарор қилинди ва бу инвестицияни мақсадли сарфланиши бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

« \_\_\_\_\_ »

**МЧЖ раҳбари** \_\_\_\_\_